



# ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊

TOSHKEENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 26 февраль, шанба • №17 (11.716) • Эркин нархда сотилади

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Бокудаги элчиси Ислом Алиев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевга ишонч ёрлиқларини топширди.

Ушбу маросимдан сўнг бўлиб ўтган суҳбатда Озарбайжон раҳбари ўтган йили Ўзбекистонга қилган давлат ташрифи чогида унга кўрсатилган юқори даражадаги меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга самимий миннатдорликни етказишни сўради. Илҳом Алиев Озарбайжонда мамлакатимиз раҳбарининг жавоб ташрифини интиқлик билан кутишаётгани ва Ўзбекистон раҳбари озарбайжон халқининг чексиз меҳрига эга эканини таъкидлади.

Мулоқот давомида мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ҳамда транспорт коммуникациялари ўналишидаги ўзаро ҳаракатларни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

«Жаҳон» АА.

## • Тадбир

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда ишсизликнинг олдини олиш мақсадида Зангиота тумани Чигатой Оқтепаси қишлоқ фуқаролар йигини биносида бўш иш ўринларининг меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

## ИШ ЎРИНЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ



Кишлоқда 20 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар иш олиб бормоқда. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан шугулланади. Плёнка, чинни, стол-стул, юмшоқ мебеллар, пойабзал ишлаб чиқардиган хусусий корхоналар бунёд этилди. Аёллар учун алоҳида қандолатчилик цехлари, иссиқхоналар курилди. Уларда 100 дан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланган. Ўн иш ўрнига мўлжалланган кийим-кечак тикадиган аёллар корхонаси очилиш арафасида.

**Чиноз туманида диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар йигилиши бўлиб ўтди.**

Унда қишлоқ фуқаролар йигини раислари, маҳалла оқсоқолари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, маслаҳатчилар, посбонлар ҳамда фаол аёллар қатнашди. Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси вакиллари маърузалар би-

тадбирда «Қандолат» ишлаб чиқариш корхонаси, туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, «Умид-Охун» хусусий корхонаси, марказий шифохона, туман ҳалқ таълими бўлими, «Сингапур-Самарқанд», «Мони-мебель» кўшма корхоналари, «Зангиота», Ақмал Икромов номли ҳамда «Иттифоқ» ширкат хўжаликлари ўзларининг бўш ишчи ўринларига ишсиз юрганларни таклиф қилдilar.

Шу куни меҳнат ярмаркасида 50 дан ортиқ фуқаро қатнашиб, 30 киши ишга жойланди.

Ёшлини ишга жалб этиш учун ўкув курсларида касбларга ўқитиш, мавсумий ишларга бориб ишлашлари учун керакли маслаҳатлар берилди.

**Даврон АБДУЛЛАЕВ.  
СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## Чиноздаги ўкув

лан чиқишиди. Шунингдек, йигилиши сўнгидага иштирокчилар ўзларини қизиқтирган баъзи саволларга мутахассислар томонидан жавоб олдилар.


Абдулла РАҲИМОВ.

**Испаниянинг Линарес шаҳрида шахмат бўйича 2005 йилнинг энг муҳим супертурнири «CIUDAD DE LINARES» халқaro мусобақаси давом этмоқда.**

Унда дунёнинг энг кучли етти шахматчиси – амалдаги жаҳон чемпиони ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов, Гарри Каспаров (Россия), Вишванатан Ананд (Хиндистон), Веселин Топалов (Болгария), Петер Леко (Венгрия), Майл Адамс (Англия) ва Франсиско Вальехо (Испания) икки

бидаги 0,5 тадан очко бор.

Рустам Қосимжонов навбатдаги учрашувда Майл Адамс билан куч синашади. Эслатиб ўтамиз, ҳамюртизиз англиялик гроссмейстер-



## Қосимжонов – Каспаров: кучлар тенг келди!

даврали тизимда голиблик учун курашмоқда.

Иккинчи тур якунларига кўра, битадан очко тўплаган Рустам Қосимжонов, Вишванатан Ананд, Гарри Каспаров, Петер Леко, Веселин Топалов пешқадамлик қилмоқда. Майл Адамс ва Франсиско Вальехо хисо-

ни 2004 йилги жаҳон чемпионатининг финалида мағлубиятга учратиб, жаҳон шахмат токини кўлга киритган эди.

Мусобақа голиб ва совиндорлари 10 март куни аниқланади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.**



лари вилоят кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти ҳакида нималар дея оласиз?

— Мамлакатимизда бир тизимдан бошқа тизимга ўтиш жараёни шошма-шошарликсиз, табиий равища, ижтимоий адолатли қонунчиликка асосланган изчил назорат остида қадамба-қадам амалга оширилмоқда. Ана шу кенг кўламли ишларда ҳамқадам бўлиш, ислоҳотларга оид фармон ва қарорлар тўлиқ бажарилишида бевосита ва фаол иштирок этиш касаба уюшма аъзолари ва фаолларимизнинг муҳим вазифасидир.

(Давоми 4-5-бетларда).

# БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА МАЛАКА ЗАРУР

**Вилоят прокуратурасида «Тадбиркорларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг роли» мавзусида амалий машғулот ўтказилди**

Анжуманда вилоят прокуратуроси, ички ишлар бошқармаси, республика давлат солиқ кўмитаси вилоят бошқармаси, вилоят прокуратураси хузуридаги солиқ ва валюта га оид жиноятларга карши курашиб бошқармаси ва адия тизими ходимлари, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раҳбарлари, пойтахт туманлари ҳокимлари ва банк бошқаруви раисларининг ўринбосарлари, тадбиркорлар, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Машғулотда республика Президентининг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқсан холда тадбиркорларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган зарур чора-тадбирлар ва бу борада прокуратура органлари ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган масалалар хусусида фикр юритилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунида фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этишлари ва уларнинг манфа-

атларини кафолатлаш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг фаолигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифалари белгилаб берилган. Аммо амалиётда юқорида қайд этилган қонун талабларини тўла бажармаслик ва баъзан уларни бузиш ҳоллари учраб турибдики, бу тадбиркорларнинг ўз вазифаларига сидкидилдан ёндошишларига бевосита боғлиқдир. Буни нафакат масъуль ходимлар, балки улар кўл остидаги терговчи, сурширувчи ва инспекторлар ҳам мавзудалик фаолиятларига сингдириши лозим.

Анжуманда иштирок этган тадбиркорлар кейинги йилларда ўз ҳуқук ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган чоратадбирлар таъсирининг кучайганлигини таъкидлаш билан бирга бу борада уларнинг ҳукукий саводхонлигини юксалтириш, банк ва бошқа назорат идоралари ходимларининг масъулиятини ошириш бўйича тегишли тадбирлар ўтказиб туриш хусусида фикрмуроҳазалар билдирилар.

Амалий машғулот тадбиркорларнинг ҳуқук ва манфаатлари ҳимояси самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар қабул қилди.

вобгарлигини ошириш... ҳамда вазифасига муносаб бўлиши учун тегишли билим ва тажриба, юқори малакага эга бўлиши шарт». Муҳомама этилаётган масаланинг самарали ҳал этилиши ҳам давлат хизматчиларининг, шу жумладан, прокуратура, ички ишлар ва солиқ органлари ходимларининг ўз вазифаларига сидкидилдан ёндошишларига бевосита боғлиқдир. Буни нафакат масъуль ходимлар, балки улар кўл остидаги терговчи, сурширувчи ва инспекторлар ҳам мавзудалик фаолиятларига сингдириши лозим.

Анжуманда иштирок этган тадбиркорлар кейинги йилларда ўз ҳуқук ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган чоратадбирлар таъсирининг кучайганлигини таъкидлаш билан бирга бу борада уларнинг ҳукукий саводхонлигини юксалтириш, банк ва бошқа назорат идоралари ходимларининг масъулиятини ошириш бўйича тегишли тадбирлар ўтказиб туриш хусусида фикрмуроҳазалар билдирилар.

Амалий машғулот тадбиркорларнинг ҳуқук ва манфаатлари ҳимояси самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар қабул қилди.

## «Софлом фарзанд – Софлом келажак»

Ўзбекистон либерал-демократик партияси вилоят кенгаши Янгийўл туманидаги 42-мактабда «Софлом фарзанд – софлом келажак» мавзуида тадбир ўтказди.

Унда Янгийўл туманинг ёшлари, ўқитувчилар, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари, ота-оналар иштирок этдилар.

Тадбирда «Оила» илмий-амалий маркази раиси ўринбосари Д. Холиқов ёшлар муаммолари, уларни бартараф этиши чора-тадбирлари ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, республика «Саломатлик» институти вилоят бўлими раҳбари ўринбосари С. Юнусова фарзандларни балофат ёшида тўғри тарбиялаш тўғрисида чиқиш қилди.

Тадбир сўнгидаги ўйлини «Замона ёшлари» минақавий вилоят кўрик-танловида биринчи ўринни олган Янгийўл туман ёшлари ижросида саҳна кўринишлари ижро этилди.

**Раъно ХОЛИҚОВА,**  
ЎзЛиДеп вилоят кенгашининг  
матбуот хизмати котиби.

## Раҳбарлик масъулияти

Бекобод шахри ва тумани ҳамда таълими мусассасалари раҳбарлари иштирокидаги тадбирда ана шу масала кенг муҳокама қилинди. Хусусан, раҳбар этикаси, ходимлар билан муносабат, ишни ташкил қилиш маҳорати ва бошқа мавзулар кун тартибининг асосини ташкил этди.

Тадбир давомида ўқувчилар билан ишлаш, уларнинг кизиқишиларидан келиб чиқиб касбларга йўналтириш масалалари ҳам иштирокчилар эътиборида бўлди.

Рустам НЕЙМАТОВ.

## Бештадан кўчат ЭКСАК

Тошкент туманидаги «Ўзбекистон» ширкати хўжалиги бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Наврўз айёмига пухта тайёргарлик кўриш, ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишларини ўз вақтида бошлаш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда ҳар бир киши ҳисобига бештадан дарахт кўчати ўтказишига келишилди.

Хуршида МҮМИНОВА.

## • Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳамда ҳукуматимизнинг янги тайинланган аъзолари билан ўтказилган кенгашда сўзлаган нутқида мамлакатимиз ҳалқ ҳўжалигининг барча тармоқларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши чуқур таҳлил қилинди.

## Уюшмадаги очиқ мулоқот

Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва эркинлаштиришнинг навбатдаги устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, иқтисодиётла исплоҳотлар кўламини кенгайтириш юзасидан янги вазифалар қўйилди. Уларнинг бажарилишига, жумладан, оммавий ахборот воситалари вакиллари, аввало, иқтисодий мавзуларда қалам тебратувчи журналистлар қандай хисса кўшишлари мумкин? Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раҳбарияти томонидан ўюширилган йиғилиш шу мавзуга бағишилди.

Унда оммавий ахборот виситалари раҳбарлари, газетажурналлар, радио-телевидение

## Янги лойиҳа бўйича кредит

Ҳалқ банкининг Чиноз туман бўлими томонидан янги кредит лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, банк тумандаги хўжаликтарга техника хариди учун навбати билан кредит ажратада бошлади. Дастлабки маблағ Алишер Навоий номли ширкат хўжалигига берилди. Хозир хўжалик мутасаддилари кредитга ҳайдор трактори сотиб олиши режалаштиришмоқда.

Камол ФАЙРАТОВ.

## Фермерлар учун таҳсил

Қўйичирчиқ туманида «Фермер хўжалигини юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзуида ўқув-машғулот бўлиб ўтди.

Унда туманда фаолият кўрсатётган фермерлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ходимлари иштирок этдилар.

Ўқув-машғулотда «Фермерликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари», «Фермер хўжаликлирида шартнома муносабатларини таомиллаштириш» хусусида мавзулар тингланди.

Тадбир сўнгидаги мутахассислар фермерларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Ўз мухбириз.

## Ззгуликка оид сатрлар

Янги Ангрен ИЭС корхонасида «Китобхон ва ҳаёт» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Республика ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси, шаҳар марказлашган кутубхоналар тизими бўлими ташабbusи билдирилган ушбу тадбирда санъат ва адабиёт мухлислига иштирок этдилар.

Тадбирда шоиралар Т. Содикова ва З. Эралиеванинг эътиқод, меҳр-оқибат, эзгулик хусусида билдирилган мулҳозалари ва шеърий сатрлари барчада катта таассурот қолдирди.

Бундай адабий-бадиий кечаларни шаҳарнинг бошқа корхона ва ташкилотлари ҳамда маҳаллаларида ҳам ўтказиш кўзда тутилган.

Зуҳра БЕГИМҚУЛОВА.

## Тадбиркор тухфаси

Оҳангаронлик ишбилармон Раҳимжон Шарипов шахсий маблағи ҳисобидан, ўзи истиқомат қилаётган Шодлик маҳалласидан болажонлар учун кечга ўюшириди.

«Болалар шодлиги дунёни тутсин» мавзусида ўтган бу учрашувда маҳалла болалари тўкин дастурхона тақлиф этилдилар. Кечга болаларга қувонч бағишилади.

Тадбир охирида кам таъминланган оиласларнинг йиғирма нафардан ортиқ фарзандларига совғалар улашилди.

Ўз мухбириз.



Оққўргон туманидаги «Озод» ширкати хўжалиги механизаторлари қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирилашда кўпчиликка ўрнак бўлди. Айни вақтда хўжаликнинг б та МТЗ-80, «Беларус» русумли тракторлари ҳамда бир катор ерга ва экинга ишлов берувчи

техника виситалари тайёрлик чизигига териб қўйилди.

**СУРАТДА:** таъмирилаш ишларида алоҳида ўрнак кўрсатган механизаторлар Одил Хусанов ва Суннат Солиев.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Газетанинг 2005 йил 5 февраль сонидаги «Газета ва газетхон» саҳифасида жойларда газ босимининг пасайиши, электр таъминотидаги узилишлар, ичимлик суви муаммолари ва бошқа ижтимоий масалалар хусусида фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари акс этган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, таҳририятга бундай мурожаатлар янада кўпайди. Жумладан, вилоятнинг айрим шаҳар ва туманларидаги маҳалла ва қўргонларда ҳозирги қиши-қировли кунларда газ босимининг пасайиши, аҳоли эса электр иситигичлардан фойдаланиши натижасида юқори босимни кўтаролмай, электр станцияларининг ишдан чиқаётгани хусусида бир қатор шикоятлар келди. Мактубларда айтилишича, аҳолининг бу масалада мутасадди ташкилотларга қилаётган мурожаатлари натижага бермаётir. Аксарият идоралар раҳбарлари жойлардаги бундай муаммоларга беписандлик билан қарамоқдалар, «отангга бор-онангга бор» қабилида иш тутишмоқда. Буни қўйидаги мактублардан ҳам билиб олиш мумкин.

# ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

## Болаларда нима айб?

Кейинги пайтларда Оҳангарон шаҳрининг айрим мавзуларида электр таъминотининг тайини қолмади. Масалан, 4-микрорайонда 25 январдан бошлаб ҳар куни чироқ ўчадиган бўлиб қолди. Бунинг асосий сабаби кўп қаватли ўйларнинг иситиш тизими ишдан чиқсанлиги натижасида одамлар электр иситиш воситаларидан фойдаланишга мажбур бўлаётганидир. Шу ҳудуддаги 7-8-болалар бочгалари ҳам анча вақтдан бўён исимайди. Оқибатда кўп болаларнинг қаллика чалиниш хавфи бор.

Бу масалада тегишли идораларга мурожаат этавер-иб, асадларимиз бузилади, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи С. Шамсихонов. — Ҳеч қандай натижага йўк. Ҳеч ким кулоқ солай демайди. Қорни тўқнинг корни оч билан нима иши бор, деганлари шу бўлса керакда.

Озод ХУШНАЗАРОВ.



Вилоятда газдан ноконуний фойдаланиш ҳамда жойларда табии газ етишмовчилиги муаммосининг олдини олиш мақсадида газ ўлчагичлар ўрнатиш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Бирор, шунга қарамай бу борадаги муаммолар ҳамон ўз ечимини кутаётir.

## Иссиқхонада бор, бизда йўқ...

Маҳалламиз Қиброй туманининг энг чеккасида жойлашган. Шунинг учунми, туман раҳбарияти бизнинг муаммолар билан қизиқмайди, бирон марта келиб хабар ҳам олмайди.

Гап шундаки, совук тушди дегунча, ўз-ўзидан газ йўқ бўлиб қолади. Маҳалламиз оқсоқоллари ва биз фуқаролар арз-додимизни кимга айтмайлик, ҳеч ким кулоқ солмайди.

Бундан икки-уч йил илгари шаҳардан Қибройга кириб келадиган катта йўлнинг кенгайтирилиши оқибатида 2519-автокорхона ёнида жойлашган газ таъсимлаш воситасидан маҳалламизга келган газ

кувурлари кесиб ташланди. Мутасадди ташкилотларнинг кейин улаб берамиз, деган ваъдаси ҳамон қуруқ гаплигича қолаётir. Гўё автокорхона раҳбарлари маҳалламиз газ кувурларни жойига қайта тикишга қаршилик қилаётган эмишлар.

Алам қиласидан жиҳати шуки, маҳалламиз атрофидаги иссиқхоналарда газ гувиллаб ёниб ётиби.

Худди бизнинг маҳалла ўйдек. Арз-додимизни эшигадиган одам борми?

**Маҳалла аҳли номидан  
Маркс TOFAEB.**

тага бу жойлар хувиллаб қолиши ҳеч гап эмас.

Кимга мурожаат килсанг, эртага кунлар исисин, газ кўпаяди, деган гапни айтишади. Қизиқ, кун исигандан кейин газ кўпайганинг нима кераги бор?

«Наврўз» маҳалла аҳолиси.

Тўйтепа шаҳрининг марказида яшаймиз. 2004 йилнинг октябрь ойидан бўён маҳалламизда на газ бор, на ичимлик суви.

Энди бу муаммолар устига электр таъминоти муаммоси кўшилгани дард устига чипкон

бўлмоқда. Ҳовли ва кўчалардаги дараҳтларни кесиб ёқиб, тутгатаяпмиз. Шу кетишида, эр-

## • Мутасадди изоҳи

### Чоралар кўрилмоқда

«Тошвилоятгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасига ҳам жойлардаги газ босимининг пасайиб кетганлигидан нолиб, кўпчилик шикоят билан мурожаат қилмоқда.

Аввало шу нарсани айтишкеракки, вилоят аҳолисининг бир кунлик газга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, 2005 йилнинг февраль ойи ҳисоб-китобларига асосан «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясига 16 миллион 150 минг метр куб газ ҳажмиди буюртма берилган эди. Ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши натижасида юқори босимни кўтаролмай, электр станцияларининг ишдан чиқаётгани хусусида бир қатор шикоятлар келди. Мактубларда айтилишича, аҳолининг бу масалада мутасадди ташкилотларга қилаётган мурожаатлари натижага бермаётir. Аксарият идоралар раҳбарлари жойлардаги бундай муаммоларга беписандлик билан қарамоқдалар, «отангга бор-онангга бор» қабилида иш тутишмоқда. Буни қўйидаги мактублардан ҳам билиб олиш мумкин.

Биргаликда улгуржи истеъмолчиларга бериладиган табии газ микдорини кисқартириш, газ тармоқларига ноконуний уланган истеъмолчиларни аниқлаш, уларни узиш, тегишли чоралар кўриш ҳамда бўшаган газ ҳажмини аҳолига ва ижтимоий соҳа обьектларига бериш тадбирлари кўрилмоқда.

Жумладан, айни кунга қадар вилоят бўйича 138 та саноат ва

1290 та маший хизмат

кўрсатиш корхоналарига табии газ бериш тўхтатилди. Шунга қарамай, бундай чора-тадбирлар кутилган даражада ўз самарасини бермаяпти. Аксинча, газ таъминотидаги мутасадди ташкилотларга 17-17.3 минг метр кубни ташкил қилмоқда.

Сўнгги кунларда «Ўзтрансгаз» АҚга қарашли газ таъсимлаш станцияларидан (ГТС) шартномавий газнинг чиқиши босими 2-2.5 барабор камлиги вилоятга қарашли газ кувурларида гидравлик режим бузилишига олиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам ГТСдан узок масофада жойлашган айрим ҳудудларга газ босими етарли даражада етиб бормаяпти.

Кези келгандан шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, жойлардаги шаҳар ва туман газ таъминоти идораларнинг мутасадди ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларга сусткашши билан қараб, «Ўзтрансгаз» АҚсига қарашли ГТСлардан

чиқаётган газ босимини аҳоли яшаш пунктларига бир меъёрда таъсимлашда бирмунча камчиликларга йўл қўйимоқда.

«Вилоятгаз» маъмуряти томонидан бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзтрансгаз» АҚга қарашли ГТСлардан интизомий чоралар кўриш тадбирлари олиб борилмоқда.

Хозирги кунда вилоят аҳолиси ва ижтимоий соҳа обьектларини узлусиз табии газ билан таъминлаш мақсадида «Тошвилоятгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси, маҳаллий ҳокимиятлар, ички ишлар органлари, «Ўздавнефтазиспекция» вакилларидан тузилган ишчи гурӯх билан

биргаликда улгуржи истеъмолчиларга бериладиган табии газ микдорини кисқартириш, газ тармоқларига ноконуний уланган истеъмолчиларни аниқлаш, уларни узиш, тегишли чоралар кўриш ҳамда бўшаган газ ҳажмини аҳолига ва ижтимоий соҳа обьектларига бериш тадбирлари кўрилмоқда.

Жумладан, айни кунга қадар вилоят бўйича 138 та саноат ва

1290 та маший хизмат

кўрсатиш корхоналарига табии газ бериш тўхтатилди. Шунга қарамай, бундай чора-тадбирлар кутилган даражада ўз самарасини бермаяпти. Аксинча, газ таъминотидаги мутасадди ташкилотларга 17-17.3 минг метр кубни ташкил қилмоқда.

Сўнгги кунларда «Ўзтрансгаз» АҚга қарашли ГТСлардан

чиқаётган газ босимини аҳоли яшаш пунктларига бир меъёрда таъсимлашстанцияларидан берилётган газ босими шартномавий тарзда кўтарила, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридагилардан келиб

чиқкан ҳолда ҳамда вилоят истеъмолчиларини узлусиз табии газ билан таъминлашва вужудга келган хавфли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзтрансгаз» АҚга қарашли газ таъсимлашстанцияларидан берилётган газ босими шартномавий тарзда кўтарила, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хозирги кунда вилоят аҳолиси ва ижтимоий соҳа обьектларини узлусиз табии газ билан таъминлаш мақсадида «Тошвилоятгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси, маҳаллий ҳокимиятлар, ички ишлар органлари, «Ўздавнефтазиспекция» вакилларидан тузилган ишчи гурӯх билан

чиқаётган газ таъсимлашстанцияларидан берилётган газ босими шартномавий тарзда кўтарила, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бахром АБДУЛЛАЕВ,

«Тошвилоятгаз» ҳудудий газ

таъминоти корхонаси бошлиги

ўринбосари.

## • Мулоҳаза

### Муаммо ва унга муносабат

Чиноз тумани, ишчилар шаҳарчасида яшовчи 20 га яқин фуқаро номидан шикоят хати олинди. Унда ёзилишича маҳсус чиқинди жойлари ёки қутиларининг йўқлиги натижасида шаҳарчада катта ахлатхона вужудга келган. Ҳеч ким бу манзарага этибор бермайди.

Биз хатда кўрсатилган муаммони ўрганиш мақсадида Чиноз туманида бўлдик. Қизиқ, шикоят хатида кўрсатилган ахлатхона туман ҳокимлигининг деярли ёнида экан. Бу манзарага туман раҳбарияти қандай килиб безътибор бўлаётганига ҳайронмиз.

Ҳакиқатдан ҳам у ердаги вазият ачинарли ахволда. Совуқ бўлишига қарамай ахлатхонадан чиқаётган хид димонгизни ёрай дейди.

— Чиқиндиларни олиб кетамиз деб пул йигиб олишади, — дейди Дилдора Нишонова. — Бироқ икки-уч киши келиб, номига йигиштирган бўлади юна нарса ўз ҳолиша қолаверади. Туман ҳокимлигининг мутасаддила-

рига мурожаат қилсанг, бизни эшитишни ҳам исташмайди. Ҳатто, бир сафар туман ҳокими ўринбосари қабулига кириб, маҳалламиз учун чиқинди ташлаш жойи ва қутилар ташкил этиб беришларини

сўраганимизда, жанжал қилмасдан яшасаларинг бўлмайдими, деб чиқариб юборди. Нима, уйимиз олдигида бундай ҳолат таъсирида болаларимизга турли тошмалар тоша ҳам индамай юраверишимиз керакми?

Шу ерда савол тугилади, тумандаги мутасадди раҳбарларнинг фуқаролар мурожаатларига шу зайлда муносабатда бўлганликлари ростмикан? Қолаверса, ҳокимликтинг ёнгинасидаги бундай манзара наҳот уларни ташвишга солмаса?

Яна бир мулоҳаза, шаҳарча аҳолиси ҳам қўл қовуштириб ўтирмасдан, керакли чора-тадбирларни ўзлари белгиласалар, бугунги бундай ачинарли ҳолат юзага келмасди. Ахир, ўзини-ўзи бошқариши тизимишининг моҳияти ҳам шунда-да. Бунда айнича, оқсоқолларнинг ўрни ва мавқеида гап кўп.

Таҳририят хатлар ва оммавий ишлар бўлими.

Саҳифа материалларини Равшан ЁКУБЖОНОВ тайёрлади.



## Dushanba

28

## «Ўзбекистон»

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома».  
8.45 ТВ анонс.  
8.50 «Ноилор сайдар», Телесериал.  
9.40 «Мастул сўз».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Камалак», Болалар учун кинодастур.  
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанииси хоржамасининг концерти.  
11.55 ТВ анонс.  
12.05 «Дастурхон атрофифа».  
12.20 «Кишлук хаёти».  
12.40 «Навоий гулшашни».

Адабий-музикый композиция.  
13.10 «Бу турфа олам».

14.10 «Киёфа».  
14.35 «Иктидор», Телесериал.

15.25 Кундузги сеанс: «Табор кўка йўл олади». Бадий фильм.  
«Болалар сайёраси».

16.55 1. «Гаройликентга саёҳат». 2. «Олтин тоҳ».

17.55 ТВ анонс.  
18.10 «КиноТеатр».

18.30 «Дунё билан юзлашиб».

18.50 Мумтоз наволар.  
19.05 «Ўзбекистоннинг тадбиркор аёллари».

19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

19.55, 20.25, 21.00

Эълонлар.  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Мусика: кечава бугун».  
21.40 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бегона». Телесериал (Мексика)  
22.40 «Оҳанглар оғушидава».  
22.45 «Умидбахш кун».

Видеофильм.  
23.30 «Ахборот - дайжест».

23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

16.55 Курсатувлар дастури.

17.00 «Давр» хафта ичидаги.

17.30, 19.35, 22.35 ТВ анонс.

17.35 «Янги авлод» почтаси.

17.55 «Пашшай».

Мультфильм.  
18.05 Ёшлар овози.  
18.25 Мехр кўзда.  
18.45 ТВ-афиша.  
18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иклим.  
19.00, 22.00 Давр.  
19.40 Ўкишга марҳамат!

19.45 XX аср ўзбек шеърияти. Ойбек.  
19.50 Олтин манзиллар.

20.10 Хамкор - 2005.

20.20 Мусикӣ лаҳзалар.

20.30 Сув - ҳаёт манбай.

20.35, 21.25 Эълонлар.

20.40 «Мухаббат мажароси».

Телесериал.

21.30 «Умр дафтари» туркумидан: Зулфия.

21.45 ТВ - адвокат.

21.50 Олтин мерос.

22.40 «Оқшом юлдузи».

Дам олиш ва ахборот дастури.

23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури:

Интерфутбол.  
0.30-0.35 Хайрли тун.  
**«Тошкент»**  
17.05 Курсатувлар тартиби.  
17.15 ТВда сериал: «Рэй Бредбери театри».  
17.40 «Табриклиймиз-култаймиз».  
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Тиббёт сизнинг хизматингизда».  
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтаҳт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриклиймиз-култаймиз».  
19.20 ТВда сериал: «Котиллия пайидан» (якупловчи).

20.20 «Ёшлар даврасида».

21.15 «Муруват».

21.55 Кинонигоҳ «Али бобо ва кирк карокчи».

1-кисм.

23.00-23.05 Хайрли тун, шахрим!

21.00 «Время».  
21.30 «Хабарлар».  
21.45 Премьера.  
**«Спорт»**  
Телетомошибабинлар диккатига!  
Профилактика муносабати билан 28 февраль куни «Sport» телеканали ўз курсатувларини 15.25дан бошлайди.  
15.25 Курсатувлар тартиби.  
15.30 Футбол. «Тошкент халқаро турнири».

3-урин учун (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилиди). Танаффусуда «Хабарлар» (рус тилида)

17.20 «Болалар спорти».

17.30 «Икки тақдир».

Бадий фильм.

18.00 «Янгиликлар».

18.10 «Икки тақдир».

Бадий фильм.

18.40 «Клон».

Сериал.

19.50 «Мени куттигил».

21.45 «Время».  
21.30 «Хабарлар».  
21.45 Премьера.  
**«Хакиқат»**. Сериал.  
22.40 «Ноилор сайдар», Телесериал.  
22.55 «Кичинчийлар олами».

22.55 «Турниргиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

16.55 гача профилактика ишлари

16.55 Открытие программы 17.00 «Зарубежные клипы»

17.25 «Телекамкор».

17.45 «Детский час»

18.10 «Музикальная пауза»

18.45 «Полицейский Кэттс и его собака»

19.45 «Ошикона»

20.30 «Кичинчийлар олами».

21.00 «Телекамкор»

21.20 «Музикальная пауза»

22.20 Киновечер на «30-м»: «Красный змей», острожюстный фильм

24.00 Программа передач

21.45 Премьера.

**«Хакиқат»**. Сериал.

22.40 Каратэ бўйича Ўзбекистон биринчи лиги.

**23.00 «Спорт - менинг хаётим».**

23.15 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».

00.50 «Турниргиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

12.00 Открытие программы 12.05 «Телекамкор»

12.25 «Детский час»

12.50 «Полицейский Кэттс и его собака», сериал

14.00 «Художественный фильм «Трасса 60», комедия

15.40 «Ошикона»

16.25 «Тайны мира», познавательная передача

17.25 «Телекамкор»

17.45 «Детский час»

18.10 «Музикальная пауза»

18.45 «Полицейский Кэттс и его собака», сериал

19.45 «Ошикона»

20.30 «Кичинчийлар олами», детская передача

21.00 «Телекамкор»

21.20 «Музикальная пауза»

22.20 Киновечер на «30-м»: «Красный змей», острожюстный фильм

24.00 Программа передач

21.15 «Майдон ортидаги одам».

23.30 «З-тайм».

23.50 «Баҳодирлар ўинни».

00.20 «Турниргиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

12.00 Открытие программы 12.05 «Телекамкор»

12.25 «Детский час»

12.50 «Полицейский Кэттс и его собака», сериал

14.00 «Художественный фильм «Трасса 60», комедия

15.40 «Ошикона»

16.25 «Тайны мира», познавательная передача

17.25 «Телекамкор»

17.45 «Детский час»

18.10 «Музикальная пауза»

18.45 «Полицейский Кэттс и его собака», сериал

19.45 «Ошикона»

20.30 «Кичинчийлар олами», детская передача

21.00 «Телекамкор»

21.20 «Музикальная пауза»

22.20 Киновечер на «30-м»: «Рассенний», комедия

24.00 Программа передач

21.15 «Майдон ортидаги одам».

23.30 «З-тайм».

23.50 «Баҳодирлар ўинни».

00.20 «Турниргиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

12.00 Открытие программы 12.05 «Телекамкор»

12.25 «Детский час»

12.50 «Полицейский Кэттс и его собака», сериал

14.00 «Художественный фильм «Красный змей», острожюстный фильм

15.40 «Ошикона»

16.25 «Тайны мира», познавательная передача

17.25 «Телекамкор»

17.45 «Детский час»

18.10 «Музикальная пауза»

18.45 «Полицейский Кэттс и его собака», сериал

19.45 «Ошикона»

20.30 «Кичинчийлар олами», детская передача

21.10 «Эл хизматида». 21.50 «Химоя». 22.10 Кинонигоҳ: «Кайсарнинг кулиши». 23.40-23.45 Хайрли тун, шахрим! «Спорт» 7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам»

бўлинг». Тонги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида) 9.05 «Кўёшни йўқотганлар». Сериал. 10.10 «Болалар спорти». 10.25 «Дисней клуб». 10.45 «Жаҳон футболи». 11.15 Улок. Ўзбекистон

кубоги. 11.35 «Спорт масканларида». 11.50-12.40 «Кучли бешлик». 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида) 17.15 «Болалар спорти». 17.30 «Икки тақдир».

Бадий фильм. 18.00 «Янгиликлар». 18.10 «Икки тақдир». Бадий фильм. 18.50 «Клон». Сериал. 19.50 «Аёл ишчи». Бадий фильм. 21.00 «Время». 21.30 «Хабарлар». 21.45 Премьера. «Ҳакиқат». Сериал. 22.40 Карат бўйича

Ўзбекистон биринчилиги. 23.10 «Спорт - менинг хаётим». 23.25 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

12.00 Открытие программы 12.05 «Телехамкор»

12.25 «Детский час». 12.50 «Полицейский Кэттс и его собака», сериал 19.45 «Ошикона» 20.30 «Кичкентойлар олами», детская передача 21.00 «Телехамкор» 21.20 «Музикальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Танго и Кеш», остроожетный фильм 24.00 Программа передач

«Полицейский Кэттс и его собака», сериал 19.45 «Ошикона» 20.30 «Кичкентойлар олами», детская передача 21.00 «Телехамкор» 21.20 «Музикальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Танго и Кеш», остроожетный фильм 24.00 Программа передач

## Juma

4

«Ўзбекистон» 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ анонс. «Болалар сайдераси»: 8.40 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк». 9.40 «Мемор». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Бинафа ранг шар». Бадий фильм. 11.20 «Тулим ва тараккиёт». 11.40 «Зийнат». 12.05 «Туммат балоси». Ҳужжати фильм (рус тилида) 12.40 ТВ анонс. 12.45 «Санъатга бахшида умр». 13.05 «Бегона». Телесериал. 13.50 ТВ клип. 14.10 Телемулоқот. 14.55 «Оталар сўзи - аклнинг кўзи». «Болалар сайдераси»: 16.00 1. «Санъат гунчалари». 2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 3. «Фозу-турнапар». Мультфильм.

17.20 «Кўш қанотлар». 17.40 «Бизга мактуб йўллабсиз». 18.10 «Олтин бешик». 18.40 «Тағсилот». 19.00 «Хидоят сари». 19.20 «Пластик карточкалар ҳамма учун фойдали». 19.25 «Узлото кундалиғи» ва рекламалар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 20.00 «Оқшом эртаклари». 20.15 «Дастурхон атрофиди». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Муносабат». 21.35 «Қўшиғимиз Сизга армугон». Ўзбекистон хали артисти F. Екубов. 21.55 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу. 22.30 «Такси». Бадий фильм. 23.50 «Ахборот-дайжест». 00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

**Ёшлар**

6.55 Кўрсатувлар

дастури. 7.00 «Мунавар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.30 «Янги авлод» студияси: Шохсупа. 8.55 Иклим. 9.00, 13.00, 16.00 Давр. 9.25 «Муҳаббат мажароси». Телесериал. 10.10 Ўзимизники. 10.20 Жаҳон жуғрофияси. 11.10 Bolalar экрани: «Диккат, шахарда сехргар». 12.05 Телевикторина. 12.10 Бегойим. 12.30 Ешлар овози. 12.50 Мусиқий лаҳзадар. 13.10, 19.35, 22.35 ТВ анонс. 13.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсерериал. 13.40 «Олтин маъбода». Бадий фильм. 14.55 «Ўзбектеле-фильм» намоноши: «Тоғнинг гули ўзгача». 15.15 «Даллас». Телесериал. 16.10 Кўрсатувлар дастури. 16.15 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?

16.35 Умид ғунчалари. 16.55 Фарзандим-жигарбандим. 17.35 Аскар мактублари. 17.55 Хотира. 18.15 ТВ-дориҳона. 18.25 Қишлоқдаги тенгдошим. 18.45 ТВ-афиша. 18.50 Мумтоз наволар. 18.55, 21.55 Иклим. 19.00, 22.00 Давр. 19.40 Ҳушига марҳамат! 19.45 «Терор илдизи». Ҳуҗжати фильм 2-кисм. 20.15 Мусиқий лаҳза. 20.20 Таражиёт сари. 20.40, 21.30 Эълонлар. 20.45 «Муҳаббат мажароси». Телесериал. 21.35 Ҳаёт манзаалари. 21.45 TV-адвокат. 21.50 Олтин мерос. 22.40 Автосалтанат. 23.00 «Кавингтон Кросс». Бадий фильм. 8-кисм. 23.50-23.55 Хайрли тун.

**«Тошкент»**

17.05 Кўрсатувлар тартиби. 17.15 ТВБда сериал: «Рэй Бредбери театри». 17.40 «Табриклиймиз-кутлаймиз». 18.00, 18.35 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Фаровонлик бекати». 18.30, 20.00, 20.45, 22.10 «Пойтаҳт» ахборот дастури. 18.50 «Табриклиймиз, кутлаймиз». 19.20 ТВБда сериал: «Амазонка». 20.20 «Имконият». 21.05 «Пойтаҳт иўлларида». 21.20 «Дориҳона эштидди». 22.30 Кинонигоҳ: «Шахарлик олифтадар». 00.35-00.40 Хайрли тун, шахрим!

**«Спорт»**

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида) 9.05 «Кўшни йўқотганлар». Сериал. 10.10 «Болалар спорти». 10.25 «Дисней клуб». 10.45 «Ноҳаут». 11.15 Улок. Ўзбекистон кубоги. 11.35 «Футбол чоррахаларида». 11.50-12.20 «Дунё манзаралари». 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида)

17.15 «Болалар спорти». 17.30 «Икки тақдир». Бадий фильм. 18.00 «Янгиликлар». 18.10 «Икки тақдир». Бадий фильм. 18.40 «Клон». Сериал. 19.50 «Аёл ишчи». Бадий фильм. 21.00 «Время». 21.30 «Хабарлар». 21.45 Премьера. «Аёл калом». Сериал. 22.45 «Спорт - менинг хаётим». 23.00 Карат бўйича Узбекистон биринчилиги. 23.30 Жаҳон спорти: «Суҳнер». 00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

12.00 Открытие программы 12.05 «Телехамкор»

## Shanba

5

«Ўзбекистон» 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ анонс. 8.40 ИИВ коровул кўшинлари намунали кўргазмали оркестрининг концерти. «Болалар сайдераси»: 9.00 1. «Санъат гунчалари». 2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 10.00 «Хидоят сари». 10.20 «Мусика дунёси». 10.40 «Бу турфа олам». 11.30 «Тағсилот». 11.50 «Олтин бешик». 12.20, 15.05 ТВ анонс. 12.25 «Ромео ва Жульєтта». Бадий фильм. 13.35 «Сиз нима дейдиз?» Мусиқий дастур. 14.05 «Ромео ва Жульєтта». Бадий фильм. 2-кисм. 15.10 «Дўстлик» студияси: 1. «Ўзбекистон умумий уйимиз». 2 «Умид». 3. «Дурдарашан». 16.10 Мусиқий танафус.

16.20 «Бананлар». Мультфильм. 16.50 «Табиат шифохонаси». 17.00 Болалар учун «Саргузаштлар ороли». 17.30 «Кўйла, ёшлиғим». 17.50 «Рангин дунё». 18.10 «Интеллектуал ринг». 18.55 «Қишлоқ ҳәти». 19.15 «Ўзлото». Теледеря. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Қизлар давраси». 1-кисм. «Тунги ёғду». Дам олиш дастури: 22.10 «Кино, кино, кино». 22.20 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Тўйдан олдин мажаро». Бадий фильм. 24.00 «Ахборот-дайжест».

**Ёшлар**

6.55 Кўрсатувлар

дастури. 7.00 «Мунавар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иклим. 9.00 Давр. 9.25 «Муҳаббат мажароси». Телесериал. 10.10 ТВ - дориҳона. 10.20 Оҳанрабо. 11.00 Табобат оламида. 11.25 «Маҳобҳорат». Телесериал. 12.10 Кутимаган меҳмон. 12.35 Жаҳон мусиқаси ҳазинасидан: Ж. Верди. «Бал-маскарад» операси 1-кисм. 13.40 Бола тилидан. 14.10 Ж. Верди «Бал-маскарад» операси 2-кисм. 15.15, 17.25, 19.35, 22.35 ТВ - анонс. 15.20 Қишлоқдаги тенгдошим. 15.40 Ошпазлар танлови. 16.10 Интерфутбол. 17.00 Телевикторина. 17.05 «Бир қатим нур» 1-кисм. 17.30 Кўрсатувлар

дастури. 17.35 «Янги авлод» студияси: Билағон маслаҳати. 17.55 Зумрадойнинг эртаклари. 18.10 Ҳушига марҳамат. 18.15 Саломатлик сирлари. 18.35 Каталог. 18.45 ТВ-афиша. 18.50 Мумтоз наволар. 18.55, 21.55 Иклим. 19.00, 22.00 Давр. 19.40 Иродиа Искандарова кўйлади. 20.00 «Кишини кирк ёриб». Интеллектуал ўйин. 20.50 Минг бир ривоят. 20.55, 21.45 Эълонлар. 21.00 Жаҳон маданияти ҳазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал. 21.50 Олтин мерос. 22.40 Күлгич. 22.45 «Орзу дарахти». Бадий фильм. 0.10-0.15 Хайрли тун.

**«Тошкент»**

17.05 Кўрсатувлар тартиби. 17.15 «Мультичархпалақ». 17.40 «Табриклиймиз-кутлаймиз». 18.00, 20.00 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 Жаҳон географияси. 18.40 «Афиша». 19.00 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

19.30 «Экрон зийнати ва киймати». 20.10 «Дугоналар». 20.30 «Биргалида куйлаймиз». 21.15 «Нима учун?» 21.45 ТВБда премьера: «Ўн саккиз йилдан сўнг». 23.25-23.30 Хайрли тун, шахрим!

**«Спорт»**

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида) 9.05 «Кўшни йўқотганлар». Сериал. 10.10 «Болалар спорти». 10.25 «Дисней клуб». 10.45 «Ноҳаут». 11.15 Улок. Ўзбекистон кубоги. 11.35 «Футбол чоррахаларида». 11.50-12.20 «Дунё манзаралари». 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида)

17.55 «Болалар спорти». 18.30 «Икки тақдир». Бадий фильм. 19.40 «Мұжизалар майдони». 21.00 «Время». 21.25 «Хабарлар». 21.40 «Спорт - саломатлик гарови». 22.00 «Кулгу тайм». 22.20 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

9.00 Открытие программы 9.05 «Телехамкор». 9.25 «Детский час». 9.50 «Фильм детям: «Приключение».

Частное внешнеторговое производственное предприятие «SABUR» изменяет форму собственности с ЧФ на ООО и юридический адрес: с Чиланзарского р-на, ул. Д. Народов, 100 на Яккасарайский район ул. Кушбеги, д. 18.

## Yakshanba

6

«Ўзбекистон» 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат килимсан». 11.00 «Оналар мактаби». 11.20 «Бу турфа олам». 12.10, 14.00 ТВ анонс. 12.15 «Алифбо сабоблари». 12.35 «Сехрланган бола». Мультфильм. 13.15 «Интеллектуал ринг». 14.05 Мусиқий танафус. 14.15 «Аёлгу». Ўзбек миллий академик драма театри спектаклинигнинг премьераси. 15.10 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангиникамон». 2. «Дидар». 3. «Айчурек». 4. «Чинсан». 16.30 ТВ клип. 16.40 «Шөрга кўчган кўнгил». «Болалар сайдераси». 16.55 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин

тоҳ». 17.55 ТВ анонс. 18.00 «Экран хандаси». 18.30 Эстрада тароналари. 18.50 «Масъул сўз». 19.10 «Бизнес ҳафта». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида). 20.05 «Оламга саёҳат». 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Одами эрсан». 21.40 «Қизлар давраси». 2-кисм. «Якшана кинозали». 22.45 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Мўъжизалар мамлакати». Бадий фильм. 00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

**Ёшлар**

6.55 Кўрсатувлар

дастури. 17.05 «Кардада ҳарбий - ватанларвонлик дастури: 1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари. 11.45 «Маҳобҳорат». Телесериал. 12.30 «Заковор». Интеллектуал ўйин. 13.30 Кулгич. 13.35 Фарзандим - жигарбандим. 14.15, 17.15, 19.30 ТВ анонс. 14.20 «Автомобилдан сакланинг». Бадий фильм. 15.45 Чемпион сирлари. 16.05 Ринг кироллари. 16.55 «Бир қатим нур» 2-кисм. 17.20 Кўрсатувлар дастури. 17.25 «Янги авлод» студияси: Катта танафус. 17.45 Спорт хафтаномаси. 18.00 Сув - ҳаёт манбаи. 18.05 Келинг, кулишайлик. 18.20 Хуш келибисиз! 18.45 ТВ - афиша.

**«Тошкент»**

17.05 Кўрсатувлар тартиби. 17.15 «Мультичархпалақ». 17.40 «Табриклиймиз-кутлаймиз». 18.00, 20.00 «Экспресс» телегазетаси. 18.05 Жаҳон географияси. 18.35 «Эртакларнинг сеҳрлари олами». 20.00 «Пойтаҳт плюс». 20.20 «Табриклиймиз-кутлаймиз». 21.00 «Шунака гаплар». 21.15 «Тен

• Sport •

• «Тошкент халқаро турнири – 2005»

## Ўзбекистон олимпия терма жамоаси – «Пюник» (Арманистон) – 2:1

Ўзбекистон Футбол федерацияси ва «Пахтакор» клуби ташаббуси билан Тошкентда халқаро турнир ташкил этилди. Турнирга «SILK ROAD» фирмаси ҳомийлик қўлимоқда. Турнир галибларига 100 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот қўйилган.

Турнирга Грузиядан «Локомотив» (Тбилиси), Украина олимпия терма жамоаси, Латвиядан 14 карра мамлакат чемпиони «Скonto» жамоаси, Арманистондан 7 карра мамлакат чемпиони «Пюник», Беларус ёшлар терма жамоаси таклиф қилинган эди. Баъзи сабабларга кўра Украина олимпия терма жамоаси ва «Локомотив» (Тбилиси) Тошкентга етиб келолмадилар. Улар ўрнига Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси қатнашадиган бўлди.

Марказий ҳарбий спорт клуби йўнингхода Ўзбекистон

олимпия терма жамоаси арманистонлик футболчилар билан баҳс юритди. Ҳамортларимиз учрашувнинг тўртинчи дақиқадасида ҳисобни очишига мувофқа бўлдилар. Аммо, жамоалар танаффусга 1:1 ҳисобида чиқиб кетдилар.

Иккинчи бўлимда ўзбекистонлик футболчилар ташаббусни яна ўз қўлларига олдилар. Садриддин Абдуллаев в «Пюник» дарвозасига ик-

кинчи тўпни киритиб, ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Учрашув охиригача бу хисоб ўзгарамади. Олимпия терма жамоамиз дастлабки учрашувда фалабани қўлга киритди.

24 февраль куни «Пахтакор» стадионидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси «Пахтакор» жамоаси билан баҳс юритди. Турнир галиби 1 март куни мъалум бўлади.

Талъат ЮСУПОВ.



• Муносабат

Халқимизнинг «Олдингдан оқсан сувнинг қадри йўқ» деган заргарона гапларида жон бор. Афсусланаман. Кўпгина катта қобилият эгалари санъатларини тўлиқ намоён этмолай дунёдан ўтиб, очилмаган сирли иқтидорларни ўзлари билан олиб кетадилар. Бунга ўзбек санъатини дунёга танитган қатор санъат даргаларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Мен ҳозирги енгил, саёз фильмлару маънисиз клипларда мажбурон суратга тушётган, актёрлик деган улуг касбнинг устаси бўлган, бир қанча роллари билан жаҳон кино, театр юлдузлари билан бемалол беллаша оладиган, муболагасиз, ўзбек миллий кино санъатининг ҳали-хамон юкори савида эканлигини исбот қилидиган, камтар санъаткорлар ҳакида фикр юритмоқчиман. Улар талайгина. Етук санъаткор, моҳир актёр Мурод Рахабовни ҳам ана шундай «ёнимиздан оқиб ўтаётган қадрисиз сув»га киёс қиласман. Мен ҳам актёрман. Санъатда озигина бўлса-да, изим бор. Лекин мен шу актёрга ҳавас қилиб санъатга келдим. Етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган Мурод Рахабовдек актёрнинг «Пари момо» бадиий фильмида роль ўйнаш, бундай серқирра ижодкорнинг илк режиссерлик ишларида, каттагина қахрамонни тасвир этиш, санъат шаробидан симириш ва ундан лаззат олиш баҳтига эришдим.

Мурод аканинг ички дунёсини, актёрлик салоҳиятини, режиссерлик қобилиятию ўқитувчилик фаолиятини яхшигина биламиш. 1978-79 йилларда мен кўп бор кўрган «Биринчи бўса» спектаклида бош қахрамон Шокир ролини Мурод ака қойилмакон қилиб ўнаган-

лар. «Отасининг қизи» комедиясида ҳам ролни қиёмага етказганлар. «Ишк курбонлари»даги Маҳмудхон образи эса алоҳида таҳсинга сазовор. Қуллас, Мурод акадаги ноёб хислат шуки, улар саҳнада, кинода зўрма-зўраки артистлик қилимайдилар. Қахрамоннинг ўзи бўладилар, қўядилар.

Кинодаги ролларичи? Қайси бирини айтай? Биттагина «Темир хотин»даги Кўчкор образини олиб кўрайлир. Бу ролни томоша қиларансиз, тасвирда актёри эмас, ўша қахрамоннинг ўзгинасини кўрасиз. Фильм охирида унинг ўқириб йиғлашларини эсланг.



Сиз ҳам қўшилиб йиғлайсиз. Қўрбоши ролида кино экранларидаги пайдо бўлганиларичи? Шубҳасиз Мурод аканинг бу образига муносабатимиз ўзгacha. Ана шундай актёрга миллиатдош бўлганингиздан Фахрланасиз ҳам. Фахрланиш, иқтидорига тан бериш, зўр актёр эканлигини боз-боз тақрорлаш ўз йўлига. Лекин Мурод Рахабовнинг серқирра иқтидорини очадиган кино асарлари актёрга етиб келтишим? Факат шу актёр учун ёзилган бирор сценарий борми? Режиссерларимиз Мурод аканинг «ишлата» олишятими?

Менимча, бу саволларга бирор жўяли жавоб йўқ. Мурод ака бебаҳо актёр. Кези келгандан шуни айтиш лозимки, ҳозир киммат актёрларнинг «бозори» касод бўляпти. Ахир, ҳар

қандай режиссёрга арzon, иложи бўлса текин, унданам қўлайроғи, ўзлари пул берадиган «актёр»ларнинг иштирок этиши фойдалорикда. Хеч бўлмаса, ўз яқинларини, бола-чақасини фильмларга туширишади. На кулишнинг, на йиғлашнинг билмайсан. Негаки, кўчадаги одамлар кино экранларига чиқиб, хонандалар чиравниб, катта экранга ўзларини уришлари, бўлар-бўлмас клипларда, маза-матрасиз реклама роликларида пайдо бўлишлари – ҳақиқий професионал актёрларнинг хасиятига тегишдек, улар устидан кулишдек бир гап.

Тўғри, фильмлар кўпайгани яхши. Рақобат пайдо бўлади. Сараланди. Охир-оқибат яхши, савиляи фильмлар майдонда қолади. Лекин унгага томошабинларни беҳдириб қўймисиз. Улар бачканга, саёз фильмларга ўрганиб қолаётганинг оқибати нима бўлади? Асоратини қандай тозалаймиз. Очиги, томошабинларимиз жиддий, фалсафий, мушоҳадали фильмларни кўролмаптилар. Ахир, кино санъати инсонларнинг ички дунёсини, савиасини, бутун борлигини ўзгаришиб, уларга эзгулини тарғиб этишда энг самарали манба бўлиши керак эмасми?

Ўзбек киносини ҳаҷон таниши учун марду майдон роқобатлар ташкил қилиш, «актёр» деган табаррук касб эгаларининг хурматини ҳар томонлама жойига кўйиш лозим. Кино бадиий кенгаши ҳар холда жиддийроқ лойиҳалар устида бош қотирсалар, томошабинни бирор қилиб қинотеатрларга олиб келмайди, аксинча уларнинг ўзлари келишади.

Тикорат деб маънавиятни унутмаслик кепак ва бу ҳар бир санъат арбобини, санъаткорни ҳеч қачон, ҳеч сония ёдидан қиқмаслиги керак. Зоро, келажак авлод бугунги асарларни уялиб эмас, фарҳ билан эслашсин.

**Боир ХОЛМИРЗАЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,  
Манон Уйғур номидаги ТДСИ катта ўқитувчиси.



кийиниш хонаси йўқ. Мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳамда масъул шахслар келгуси мусобакаларга жиддий тайёргарлик куришса, унинг нуфузи учун кайгуришса, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

**Хуршида НАЗАРОВА,**  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

• Энг, энг, энг...

**Энг катта япроқ**  
Амазонка дарёси соҳида ўсадиган «рафия» номи билан машҳур пальма дарахтиники. Унинг худди чодирдек кенг, кўм-кўк барра япроғининг узунаси 22, эни 12, банди эса беш метрга якин. Бундай япроқ офтоб ёки ёмғирдан ўн кишига бошпанга бўлиши мумкин.

**Энг катта гул** Ява оролида ўсадиган «раф-флэзия» ўсимлигини ҳисобланади. Унинг қалин хол-хол гули бешта қизил гулбардан иборат бўлиб, бамисоли гиламга ўхшайди. Яхши очилганида диаметри бир ярим метрга етади.

**Энг катта тўпгул** Жаңубий Осиёда ўсадиган «талипот» номли пальмада бўлади. Шу сабабли унни соябонгул ёки соягул ҳам дейишиди. «Талипот» пальмаси умрида бир марта гуллайди. Тўпгулининг узунлиги 14 метрга етади. У нисбатан секин, йилига ярим метр ўсиб, 40 йилда 20 метрга етади.

**Акбар АЛИЕВ**  
тайёрлади.

## Нафс қармоғи

Гиёханд моддалар савдоси, уни истемол қилиш даражаси дунё миқёсида кундан-кунга бориб бормоқда. Бу эса бутун жаҳон жамоатчиларни қаттиқ ташвишга солмоқда. Бу иллатга қарши курашиш, белгиланаётган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар кутилганидек натижага бермаёт. Кўп холларда кишилардаги маънавий қашшоқлик, кўл ураётган ишининг оқибатини тушуниб етмаслик ёки билсада ўз манфаати йўлида ҳар қандай разилликдан қайтмаслик холлари бўнга асосий тўсик бўлмоқда.

Мамлакатимизда бу иллатга қарши

кураш кенг тус олган. Шунга қарамай, қўшини давлатлардан гиёханд маддайларни олиб ўтиш ва бу ерда тарқатишга уриниш ҳоллари ҳамон учраб туртибди.

Тоҷикистон фуқаролари Мавлонқул Исмоилов ҳамда Отабек Бозорвлар ҳам ҳеч қандай кийинчиликсиз, осонгина бойли ортириш мақсадида қарип 150 килограмм оғирликларига гиёханд маддайларни юртимизга олиб кирмоқчи бўлдилар.

Гап шундаки, 2004 йил 20 январь куни кеч соат 02:30 да бу иккя шахс Бекобод туманидаги Фарҳод сув омбори олдидан

чегарани бузиб ўтаётгандарига чегарачилар томонидан қўлга олинди. Улар олиб ўтаётган қоплар текширувдан ўтказилганда 120 дона пакетда оқ ранги ва ўтири ҳидди маддайлар борлиги аниқланган. Кейинги суд-кимёвий экспертизаси хулоаси ушбу маддалар «марихуана» эканлигини кўрсатди.

Дастлабки тергов жарайёнларида бу иккя шахс тоҷикистонлик «Рашид» исмли кимсадан қароз оғланларни ва қарзни тўла-маслик эвазига қондаги нарсаларни Ўзбекистон худудига олиб бориб беришига кўнгланганинни айтишибди. Бу ҳол иккя маротаба тақрорланган.

Сўроқлар мобайнида жиноятчилар «Рашид» ва «Ихтиёр» исмли кимсалар билан тил биринчириб, гиёханд маддадарни бу иккя шахсни олиб бориб беришига кўнгланганинни айтишибди. Бу ҳол иккя маротаба тақрорланган.

ларни Бекобод туманидаги «Боғишамол» чойхонасига олиб келишлари кераклиги, у ерда маҳсус ёлланган кишилар молни қабул қилиб олишлари зарурлиги аниқланди.

Суд ишлари якунланди, ҳукм ўқилди. Унга кўра M. Исмоилов ва O. Бозорвларнинг жиноий хатти-харакатлари қасдан амалга оширилган деб топилди ва жиноят кодексининг бир катор маддаларига мувафиқ ҳар иккаласига 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

**Искандар УСМОНОВ,**  
вилоят прокурори катта ёрдамчиси,  
аддия катта маслаҳатчиси.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъуллариди.

